

**Ўзбекистон журналистика во оммавий коммуникациялар униеврситети  
магистр даражасига эга бўлмаган ёш ходимлар учун “Chevening”  
стипендиялардастури эълон қилинмоқда.**

Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси маълумотига қўра, Бирлашган Қиролликнинг нуфузли олий таълим муассасалари магистратура йўналишида таҳсил олиш имкониятини берувчи “Chevening” стипендиялар дастурига танлов бошланган. “Chevening” стипендиялар дастури Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги томонидан молияштирилади. Бунда ўқиши учун тўлов, ойлик стипендия, авиаҷипта харажатлари, Британияга келиб-кетиш, виза харажатлари ҳамда Британияда ташкил этиладиган Chevening тадбирлари учун харажатларни қоплаш кўзда тутилган.

Мазкур дастур Британиянинг барча олий таълим муассасаларида, шулар қаторида Кембридж, Оксфорд, Лондон иқтисодиёт мактабида турли таълим йўналишлари бўйича магистратурада таҳсил олиш имконини беради. Стипендия танловида иштирок этиш учун [www.chevening.org/apply](http://www.chevening.org/apply) веб-сайти орқали ариза топшириш зарур.

**Онлайн ариза топшириш муддати:** 2021 й. 3 августдан 2 ноябрга қадар.

Стипендияда қатнашиш учун номзодлардан қуйидагилар талаб этилади:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши;
- ўқиши тугаганидан сўнг камида 2 йилдан кейин Ўзбекистонга қайтиш;
- бакалавр дипломи мавжудлиги;
- 2 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши;

**Британия олий таълим муассасаларининг 3 та магистрлик дастурига ариза топшириш ва 2022 йил 14 июлгача камида битта дастурга тўлиқ қабул қилиниш.**

Батафсил маълумот ва веб-сайтлар илова қилинмоқда.

[https://www.chevening.org/scholarships/quidance](http://www.chevening.org/scholarships/quidance).

[https://www.chevening.org/FAQs](http://www.chevening.org/FAQs)

Шунингдек, қўшимча маълумот олиш учун Тошкентдаги Британия элчихонасининг ижтимоий тармоқлардаги мессенджерлари орқали ҳам мурожаат қилиш мумкин.

<http://www.facebook.com/ukinuzbekistan>

<http://www.twitter.com/ukinuzbekistan>

<https://www.instagram.com/ukinuzbekistan>

Шумуносабат билан юқорида келтирилган танловда иштирок этиш учун номзодлар ЎзЖОКУда ишлаётган, лекин **магистр даражасига эга бўлмаган ёш ходимлар** қаторидан танлаб олиниши ва тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.